

Сурхон воҳасида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойиги муваффақиятли якунланди. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, вилоятда 3 миллион 960 минг тупдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчати ўтказилган.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 1 апрел, жума № 54 (1895)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг савдо-саноат бўлими билан биргаликда «Ташаббус-2005» танловини ўтказиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришга доир ишлар кўламини янада кенгайтириш ва чўқурлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Утган йили маъруз тармокнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi улushi 35,6 фоизни ташкил этди.

«ТАШАББУС-2005»:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ютуқларини намойён ҳамда эътироф этишнинг самарали механизмига айланди. Оммавий ахборот воситалари томонидан танлов жараёни ҳамда натижаларининг кенг ёритилиб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, хорижий инвестицияни жалб этиш, импорт ўрнини босадиган ҳамда экспорт топ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Танлов иштирокчилари сафи йилдан йилга кенгайиб, уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Танловда иштирок этётганлар орасида ёшларнинг тобора кўпайётгани қувонарли ҳолдир.

лари танлов муассислари ва ҳомиёлари дидир. Утган йилларда бўлгани каби, бу йил ҳам танловда хўжалик юритиш фаолияти якунлари бўйича энг яхши натижаларни кўлга киритган ва мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган микрофирмалар, кичик бизнес корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, хунармандлар ҳамда амалий санъат вакиллари иштирок этди.

Танлов «Энг илгор тадбиркор», «Энг илгор фермер», «Энг илгор хунарманд» йўналишлари бўйича ўтказилди. Шунингдек, ўз фаолиятида улкан муваффақиятларга эришган хусусий тармок вакилларига мўлжалланган «Энг илгор тадбиркор аёл», «Замонавий технологияларини жорий этгани учун», «Энг яхши маҳсулот экспорти учун», «Энг самарали лойиҳа», «Энг илгор молия муассасаси», «Энг фаол журналист», «Бизнес-таълим бўйича энг илгор ўқитувчи», «Энг ёш тадбиркор», «Энг яхши инновация лойиҳаси», «Энг яхши дастурий маҳсулот», «Энг яхши инвестор»

кофотлар ҳам таъсис этилди. 31 март куни танлов якунлари сарҳисоб қилинишидан олдин, «Туркистон» саройида танлов иштирокчиларининг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Серкўёш ўлкамизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган турфа товар ва буюмлар нафақат танлов ҳайъати аъзолари ва иштирокчилари, балки бу ерга ташриф буюрган барча меҳмонларда, жумладан, хориж вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

«Ташаббус-2005» республика танлови ғолиблари тантанали равишда эълон қилиниб, уларга мамлакатимиз Президентининг саврачлари топшириди.

Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Дилов «Энг илгор фермер» деб топилди. Унга тақдим этилган саврач - трактор фермер хўжалиги ишларида қўл келиши шубҳасиз.

Намангандаги «Маш-Хим» масъулияти чекланган жамият раҳбари Хайрулла Зиёбоев «Энг илгор тадбиркор» сифатида эътироф этилди. У раҳбарлик қилган корхонада мактаб-ёрт, спорт клублари учун турли спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Марғилонлик (Фаргона вилояти) Турғунбой Мирзаахмедов «Энг илгор хунарманд» саврачига сазовор бўлди. У тайёрлаган бекасам, атлас, адрас, алача каби миллий матолар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам машҳур. Бу икки саврачдорга замонавий технология жиҳозлар сотиб олиши учун йирик миқдордаги пул мукофотлари топшириди.

Тадбирда бошқа номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Кўрик-танлов иштирокчилари ва меҳмонларига санъаткорлар катта концерт дастурини намойиш қилдилар.

(ЎзА)

ЭСКИ ҚАМИШЗОР ЖАВОҲИРЛАРИ

Фермерлик ҳаракатига бағишланган вилоят йилгиликда Наманганда биринчи бўлиб тадбиркорликка ўтган янгиқирғонлик Дехқонбой Болтабоев куйидаги сўзларни айтганда:

— Фермер деҳқоннинг сараси бўлиши керак. Биринчи навбатда ернинг томир уришини, унга нима зарур ва нима зарар, билиши лозим. Ураган одамга экин майдонининг тақдирини топшириб қўйиш катта хатолик.

айланиб кўрди. Хўжалик идорасига пешонасини тириштириб қайтди. — Майли олганим бўлсин, — деди қўл силтаб. — Аммо шу йилча техникадан ёрдам бериб турсизлар. Кейинги йилда ўзим эсплайман.

Хамиджоннинг айтишича, биринчи йили деҳқончиликда қанақа азоб ва машаққат бўлса, ҳаммасини тотиб кўрди. Шунга қарамай, бир сузлагани амалда исботлади. Кўзги шудгор қолиб кетган экан, бу ишни баҳорда амал-

га оширди. Чукур шудгор қилдириди. Оила аъзоларию, қариндош-уруғларини тўлаб тупроқдаги жами ўсимлик томирини тердирди. Экин майдони атрофидagi зовурларни экскаваторчиларга пул бериб қавлаттирди. Махалладаги хонадонлардан тонналаб гўнг олиб чиқиб солдирди. Парваришлар ва бошқа тадбирлар ҳам оби-тобида ўтказилди. Қарабосиқ, кузга бориб сира қутилмаган ҳосил тўпланди.

2-3 центнерга юқори бўлди. Хосилнинг ҳаммаси биринчи навга сотилди. Фермер хўжалиги яхшигина даромадга эга бўлди. Ишловчиларнинг уртача ойлик иш ҳақи 35-40 минг сўмданга, механизаторларники эса 50 минг сўмданга тўғри келди. Бундан ташқари, ҳар бир ишловчи оиласига 800 килограммча бурғой, 40-50 килограммдан ёғ, чорва хайвони боқайтганларга эса бир-икки прицепдан сомон тарқатилди. Бир неча йилдирки, ишловчилар тушлик ҳақида ўйлашмайди, сабаби бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбарининг ўзи бош қотирди.

Фермернинг режалари улкан. Амалдаги йилда мўлжалланган 15,2 гектар майдоннинг ҳаммасига плёнка остига чигит экилади. 16 гектар майдонда эса галладан деҳқончилик қилинади. Пахта асосан уруғлик учун сотилади. Хосилдорлик ўтган йилгидан ошса ошадими, асло кам бўлмайди. Боғ шу йилдан ҳосил бера бошлайди. Поллиз ҳосилдан эса туман ва вилоят марказлари аҳолиси ҳам баҳраманд этилади. Шу йилдан эътиборан ёрдамчи хўжалик ташкил этишга киришилди. 12 бош қорамол сотиб олинди. Келгусида наслдор гунажин боқибга иختисослаштирилади.

Сўнги сўз ўрнида: Яқинда тумандагина эмас, вилоят миқёсида яхши ишлари билан танилган лавҳамиз қаҳрамони туман деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси этиб тайинланганини, унинг ўрнига акаси Нейматжон Кривош ўтганлигини эшитиб қолдик. Ишонамизки, Нейматжон ака Хамиджоннинг яхши ишларини давом эттириб, фермер хўжалиги обрўсини янада оширади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Хатирчи туманидаги «Истиклолнинг 10 йиллиги» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Эшнӣёев «Ташаббус-2005» танловининг Навоий вилоят босқичи ғолиби бўлди.

МАХАЛЛА ҲОМИЙСИ

Бунинг боиси - эришайтган ютуқларида. Утган йилни қарийб эллик миллион сўм даромад билан якунлаган фермер хўжалигида қорамоллар боши уч юз, қўй-эчкилар сони эса беш юзга етди. Ҳар қуни минг литргача сут соғиб олинмоқда. 18 тонна гўшт тайёрлади.

Фермер даромади ҳисобидан «Чечакота» маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино қуриб берди. Кам таъминланган оилаларга 15 бош бузоқ ҳада этди. Хирмон кўтарилганда эҳтиёмданд оилаларга ўн тоннагача бурғойдан бепул тарқатиш эса хўжалик анъанасига айланган.

Хайри ишларида фаол фермер хўжалиги 140 гектар майдонда пахта, галла ва озуқа-боп экинлар еттиштирди. Яқинда Уртақул массивидан қўшимча 300 гектар ер олди. Бу эса чорвачиликни янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Икки томонлама манфаатли ҳамкорлик меваси Тўрт мучаси соғ инсонгина ҳақиқий бахтлидир

Ҳаёт, тириклик учун Ер, Сув, Хаво, Қўёш нури қанчалик зарур бўлса, инсон учун саломатлик шунчалик муҳимдир. Адолатли, демократик жамият барпо этилаётган мамлакатимизда инсон саломатлигига эътибор давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналиши бўлиб қолди. Айниқса, жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий етук ёш авлодини тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шўгулланишини таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз ташаббус билан жорий йилни «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши тиббиёт соҳасида эъзулик томон қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг вазифалари ва йўналишларида инсон омили асосий мезон ҳисобланади. Яқинда бўлиб ўтган Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хайъати ва республика Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши Раёсатининг қўшма йиғилишида 2004-2006 йиллар учун ҳамкорликда тузилган икки томонлама жамоа келишувининг 2004 йилда бажарилиши ва «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури асосида амалга ошириладиган қўшимча чораларни кўриб муҳокама қилиниб, вазифалар белгиланди. Таъкидландики, соҳа олдида турган долзарб масала, муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик катта аҳамият касб этмоқда. Қуйида ана шулар ҳақида сўз боради.

— Бу ёруғ оламда нафақат инсон, балки жамият учун ҳам сихат-саломатликдан ортиқ бахт-саодат топилмас. Зеро, Она Ватанимиз буюк ва қудратли бўлмоғи учун аввало шу заминда яшовчилар ақлан ва жисмонан етук бўлишлари шарт. Соғлом ақл ва соғлом инсонни шакллантириш, қарор топтириш эса давлатимиз сиёсатининг бош тамойилидир. Айниқса, давлатимиз томонидан она ва бола саломатлиги йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликлар беқийсдир. «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили»... Бу йилларнинг ҳар бири «Соғлом аёл - соғлом фарзанд - соғлом жамият» тизимининг мазмун-моҳиятини белгилаб бераётди. Қолаверса, «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида ҳам одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, улар соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш, баркамол авлодини тарбиялаш, аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билим ва маданиятини ошириш, гиёҳвандликка, чекишга, юкумли касалликлар, айниқса, чил касаллиги ва ВИЧ (ОИТС) тарқалишига қарши кураш, шунингдек, нурунийлар ва ноғиронлар соғлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санаторий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур чора-тадбирларни янада кўчатириш энг долзарб вазифа сифатида белгиланб берилган. Бунинг учун аввало, аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш, қолаверса, малакани кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, жисмоний тарбия ва спорт

билан шўгуллантириш, оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар уюштириш, фидойи касб эгалари, тиббиёт ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар меҳнатини қадрлаш, муносиб ҳақ тўлашни йўлга қўйиш талаб этилади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тузилган жамоа келишувидеда жамият ва инсон саломатлиги учун ниҳоятда муҳим бўлган ана шу масалалар ва уларни бажариш чора-тадбирлари ўз аксини топган.

Ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик принциплари, табиийки, жамоа келишувларида ифодаланади. Соғлиқни сақлаш тизимидagi ислохотлар ва туб ўзгаришларда, шунингдек, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришларга тармок Марказий кенгашимиз ҳам фаол қатнашмоқда. Бу жараён соҳа ходимларини ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий ва меҳнат муҳофизаси, кам таъминланган, кўп болали, ноғирон ва ёрдамга муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларнинг соғлигини ҳамда дам олиш ва бошқа қўллаб масалалар ижтимоий шерикчилик асосида келишув ва жамоа шартномалари орқали ҳал этилмоқда. Шу мақсадда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий қўмитанинг 1999-2000, 2001-2003, 2004-2006 йилларга тармок ходимларини ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида келишув қабул қилинди. Томонлар ушбу келишувларда ижтимоий ҳамкорлик тамойилида иш олиб бориб, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат дастурини бажариш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, бошланғич касабга уюшма ташкилоти фаолиятини, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини юксалтириш каби бир қатор масалалар юзасидан ўз олдларига мажбурий талаблар олганлар. Бунда жамоа шартномалари ва келишувлар республикамизда мавжуд қонуналар, ҳукумат қарорлари ва меъърий ҳужжатларга асосланган ҳолда тузилганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Утган йили тармокда 2071 та жамоа шартномалари тузилиб, 2261 та бошланғич касабга уюшма ташкилотларига нисбатан татбиқ этилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎШЛАР СЕВГАН МАРКАЗ

Кизил Ярим ой жамиятининг вилоят бўлими ҳузурида «Нихол» ўқув-спорт маркази очилди. Энда наманганлик ёшлар турли касбларни эгаллаш ва бўш вақтида соғлиқни тиклаш имкониятига эга бўлди.

Бу ерда машғулотлар хайрия асосида ўтказилади. Кизил Ярим ой жамиятининг маҳаллий бўлими раиси Д.Сайфиддиновнинг айтишича, марказда ўқинишнинг кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармасидан жавоб хати олинди. Унда ларида махсус таълим олмаган шахслар ишлаши мумкинлиги қайд этилган. Хат муаллифлари, яъни регистратурада ишлаганлар иш шартлари эътиборга олиниб, бундан бунён ҳам ишини давом эттиришлари мумкинлиги тўғрисида маъмуриятга курсатма берилди.

Учун яхши шароитлар яратилган. Тикувчилик устaxonаси, ўқув охонаси, компьютер сифи қоракли техника билан жиҳозланган. Марказда қизлар тикувчилик ва пазандачиликни ўрганиши, хоҳловчилар эса компьютер саводхонлигини эгал-

лаши мумкин. Қизлар спорт залларида аэробика, шейпинг, бал ва замонавий рақслар, ўқинишлар ҳамда Шарқ яккакураши билан шўгулланади. Ҳозирги пайтда ўқув-спорт марказига 30 дан ортиқ ёш йигит-қиз қатнамоқда.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Ишонч» газетасининг шу йил январ ойида эълон қилинган «Хайратомуз ҳолат» танқидий мақоласини ўрганиш бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз.

Вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгаши мухтаassisлари томонидан жамоатчилик назорати тартибидеда Риштон туманига бориб текшириш ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кадрлар ва ўқув юртлари Бош бошқармасига «Тиббиёт билим юртини битирмаган, фақат мактаб

жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 28 августдаги буйруғи иловасида тиббий регистратор вазимизда ўрта-махсус билим юрт-

ларида махсус таълим олмаган шахслар ишлаши мумкинлиги қайд этилган. Хат муаллифлари, яъни регистратурада ишлаганлар иш шартлари эътиборга олиниб, бундан бунён ҳам ишини давом эттиришлари мумкинлиги тўғрисида маъмуриятга курсатма берилди. Бугунги кунда улар ўз меҳнат фаолиятини давом эттиришмоқда.

А.МУРАТОВ, Фаргона вилояти ҳокими ўринбосари

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

ТҮРТ МУЧАСИ СОҒ ИНСОНГИНА ҲАҚИҚИЙ БАХТЛИДИР

(Боши 1-бетда)

Бу муҳим ҳужжат орқали бугун кенг доирадаги муҳим масалалар ўз ечимини топаётди ва меҳнат муносабатларини самарали бошқариш, меҳнат шaroитларини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, шунингдек, барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ҳамда жамоада ҳамжихат бўлиб ишлаш имкониятлари яратилмоқда.

Хар бир аёл ўз оиласининг офтоби. Жамият эса оилалар бутунлиги, фарзандлар камоли. Энг муҳими, аёллар саломатлиги, маънавий етуқлиги билан барқарор ва қудратли. Жамоа келишуви ва шартномаларида аёлнинг жамиятдаги роли ва мавқеини янада ошириш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шaroити, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш, билим олиш, ўқитиш ва етакчилик фаолияти, эр-кавлар билан тенг ҳуқуқлидиги, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали аёллар иш кунини қисқартириш, ногирон боласи бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда хар ойда бир кун дам олиш кунини ва йиллик меҳнат таътилни қўшимча уч кун қўшиб берилиши каби ижтимоий масалалар ҳал этилди. Рақамларга мурожаат қилсак, биргина Меҳр ва мурувват йилида Тошкент шаҳар, Бухоро, Қашқадарё вилоят тармоқ кўмиталари маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун стипендия таъсис этилди. Бундан ташқари, 944 нафар мактаб ўқувчиларига 3,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари ва формалар олиб берилди. 9 та ёш оилага 1,2 миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилди. Шунингдек, 85 нафар аёлга туғишдан кейин тўланадиган таътил кунини узайтирилди, кам таъминланган 7 нафар ходимнинг уй-жойи таъмирланди, 17 нафар байналмилал жангчиларга 1,5 миллион сўмлик парҳез таомлар олиб берилди.

Шарқда қадим-қадимдан нуронийлар давра турган бўлган. Кексаларга алоҳида ҳурмат-этибор билан муносабатда бўлишган. Тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида нуронийларга ғамхўрлик асосий вазифа қилиб белгиланган. Ташкилот ва корхоналарда тантанали суратда нафакага кузатиш, байрам дастурхонлари ёзиш, яқка-ёлғизлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш аънаънага айланган. Биргина утган йили 952 нафар ишламайдиган пенсионерларга 7,5 миллион сўмлик моддий ёрдам уюштирилган.

Хар бир инсон манфаатдор бўлгандагина унумли меҳнат қилади. Жонқурлик, фидойилик билан ишлайди. Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш ижтимоий меҳнат муносабатларининг энг муҳим бандига айланди. Марказий Кенгашириш бўйicha муаммоларни бартараф этиш учун тезкор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жойлардаги ваколатли касаба уюшма ҳокимият органлари, прокуратура ва банкларга ёзма мурожаатнома ва расмий талаб билан чиқдилар. Натихада иш ҳақидан қарздорлик 3,5 миллиардга қисқартирилди.

Жамоа шартномаси бугунги кунда ана шундай тармоқ корхона ва ташкилотларнинг асосий кўланмаси, ҳаракат дастури, қолаверса, ишончли конуний ҳужжатига айланиб бормоқда. Нодавлат сектори корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг му-

айан қисми бундан бир неча йил муқаддам касаба уюшма аъзоси эмас эди. Ўз ўзидан маълумки, улар ижтимоий-иқтисодий ҳимоя тизимидан четда қолишар-ётиганди. Мазкур муаммо раёсат йиғилишларида муҳокама қилиниб, аниқ тадбирлар белгиланди. Бу йўналишдаги ишлар давом эттириляпти. Статистик ҳисоботларга кўра жорий йилнинг 1 январь ҳолатида нодавлат ташкилотлар сони 356 та бўлса, шундан 246 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган, улар орқали 10.229 нафар ходим манфаатлари қамраб олинган.

Тўғри, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқларининг устувор ҳимоячиси бўлиш осонмас. Баъзида адолатни юзага чиқариш учун ростмана куралиш, ўз нуқтаи назарини ўтказиш зарур. Бу эса кучли билим, қатъиятлик ва албатта амалдаги қонунларни пухта билишни тақозо этади. Қонун асосида иш юритиш, унга қатъий амал қилиш эса албатта, муваффақиятни таъминлайди. Мамнуният билан таъкид-лайманки, меҳнатқашлар ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва тақомиллаштиришда тармоқ касаба уюшмалари фаол иштирок этмоқдалар. Ҳуқуқий демократик жамият қуришда тармоқ ходимларининг билимларини ошириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш асосий йўналишларимиздан. Биз ҳузуримизга умид билан келган хар бир тиббиёт ходими дардига малҳам бўлиш, мушкулни осон этишни шарафли бурчимиз деб биламиз. Бу эзгу ишда малакали мутахассислар ва тажрибали ҳуқуқшунослар сафарбар этилган. Текширишлар ва жойлардан келаётган шикоят ва мурожаатларга кўра иш берувчилар ходимларни ишдан бўшатил, бошқа ишга ўтказил, меҳнат дафтарчасини қонун доирасида расмийлаштириш, меҳнат таътили, иш графикларини тузиш каби масалаларда қонунбузарликка йўл қўйилмоқда. Утган йили Марказий Кенгашига 196 та ана шундай озгаки мурожаат ва 28 та ёзма арза келиб тушган. Уларнинг 95 фоизидан кўпроги ижобий ҳал этилган ва жойларда меҳнат қонунчилигининг бажарилиши устидан жамоатчилик назорати кучайтирилди. Хар бир йўл қўйилган қонунбузарлик бу адолатсизликдир. Бу эса жамоада нотинчлик ҳолатларини келтириб чиқаради. Минг афсуски, ҳали-ҳануз баъзи муассасаларда иш берувчининг айби билан Меҳнат кодексининг 81-,108-моддалари талаблари тўлиқ бажарилмайдиган.

Масалан: ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини қонуний бекор қилиниши оқибатида 60 нафар ходим касаба уюшмаларининг иштирокида ўз вазифасига қайта тикланди. Уларга мажбуран бекор юрган кунлари учун 3,5 миллион сўмга яқин моддий ва маънавий ёрдам ундириб берилди.

Шу босис хар бир меҳнат жамоасида касаба уюшмалари келажакни кўра олиши, келгусида қандай муаммолар пайдо бўлиши мумкинлигини бошқаларга нисбатан олдинроқ илғай олишлари керак. Бу жараёнда энг жиддий масъулият, энг катта оғирлик етакчилар зиммасига тушади. Чунки жуда кўп масалаларни ҳал қилишга етакчининг шахсий обрўси, маънавий-ахлоқий ибрати, билим салоҳияти ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тармоқ касаба уюшмаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сўловларда бу масалага алоҳида эътибор бериб, ташаббускор, изланувчан, энг муҳими жамоани ўзига эргаштира оладиган ёш ва ғайратли кадрлар касабақўм етакчилари этиб сайланди.


Озодаҳон МУХИТДИНОВА,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш
ҳодимлари касаба уюшма
Марказий Кенгаши раиси
(Давоми бор)

Ислом КАРИМОВ:

Одамзотнинг соғлиги кўп жиҳатдан авваламбор унинг ўзига боғлиқ. Бунинг учун ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиши, хар қандай касалликнинг олдини олиш учун соғлом ҳаёт тарзи ва турмуш маданияти талабларига амал қилиши, шак-шубҳасиз, катта ўрин тутади. Бунинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси ҳам, тиббиёт тажрибаси ҳам исботлаб келмоқда

БУГУН

травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида



Қабулхонада одам тирбанд. Шу пайт ёнгинамдаги аёлнинг қизчаси ҳақидаги гаплари эътиборимни тортиди.

Бу ерга келмасимиздан илгари қизимни юриб кетишига ишонмагандим. Шифокорларга минг раҳмат, кўриб турганимиздек соғ-саломат. Мурод Солиев ва унинг ҳамкасблари қўли гул ва меҳри дарё шифокор экан. Қувончимнинг чеки йўқ. Ахир она учун ўз боласини соғ-саломат кўришдан ҳам ортиқ бора борми?


Мазкур шифо масканига ташриф буюрганларнинг кўпчилигидан мана шундай дил сўзларини эшитиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги мазкур шифо маскани етакчи ва намуналилардан бири. Бу ерда етук олимлардан Н. Шаматов, О. Шокиров ҳамда Б. Берлинерлар турли даврларда фаолият кўрсатиб,

унинг довруғини кенг ёйишган. Айни пайтда тиббиёт масканига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош травматолог-ортопеди, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мирҳаким Азизов раҳбарлик қилмоқда.

Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти айни вақтда 172 ўринли 8 та катталар ўткир тан жароҳати, катталар ортопедияси, ўсимирлар ортопедияси, болалар ортопедияси ва бошқа йўналишлардаги бўлимларга эга. Клиникада ўткир тан жароҳати олган беморлардан ташқари тўғма ҳамда орттирилган касалликларга чалинган беморлар ҳам даволанишяпти. Кейинги йиллар мобайнида институтида 3 та катта илмий-техник дастур бўйича тадқиқотлар амалга оширилди. Ҳозирда эса 10 та грант бўйича илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда. Илмий изланишлардан бири - компрессион-дистракция остеоинтеграция. Бу борада қатор самарали

ишлар юзага келди.

Бунинг муваффақиятли амалга ошириш мақсадида 20 га яқин юқори сифатли металл, полимер ҳамда композит материаллардан мосламалар ишланди. Уларнинг кўпчилиги республикамиз миқёсида ва хатто чет эл кўргазмаларида ҳам яхши баҳоланди. Шунингдек, институт олимлари томонидан тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган 2та монография, 5 та илмий мақолалар тўплами тайёрланди, 27 та иштирокчи қилинди. Айни вақтда жамоада тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Ботир Мирзаимов, Ҳамидулла Файзиев, Ахрор Жўраев, Раҳмонберди Хўжаев, Шоҳайдар Шотурсунов, тиббиёт фанлари номзодлари Умида Рустамова, Гулнора Қосимовалар самарали фаолият юритишмоқда. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда институтидан 27 та фан доктори ҳамда 100



дан зиёд фан кандидати этишиб чиққан.

Сихат-саломатлик йилида ҳукуматимизда Президентимиз томонидан тиббиёт соҳасини янада ривожлантиришга беқиёс аҳамият берилляпти. Мана шулар шарофати билан республикамизда травматологик ва ортопедик хизмат кўрсатиш бўйича аниқ тизим юзага келди. Институт илмий-ташқилий, услубий даволаш маркази бўлгани учун ҳам Тошкент шаҳрида, вилоятлар ҳудудидаги шаҳарчаларда кўп профилли иختисослашган шифохоналар таркибига махсус бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда мамлакатимиздаги 3.586 та травматологик-ортопедик жойларда мазкур институтининг мутахассислари ишлашмоқда.

Хар бир стационар қошида "Тез ёрдам" бўлими ҳам ишлаб турибди. Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури" тўғрисидаги Фармойиши мазкур жамоа олдида ҳам янги вазифалар қўйди. Эндиликда қишлоқ врачлик пунктлари қошида профилактика ишлари олиб бориляпти. Шу жумладан, болалар кўриқлари ўтказилмоқда. "Сихат-саломатлик йили"да институти жамоаси ҳам тез-тез вилоятларда, туманларда бўлиб, беморларга тегишли ёрдам кўрсатишмоқда. Турли ўқувлар ташкил этилиб, уларга қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган мутахассислар кенг жалб этиляпти.

Институт раҳбарияти ўз бўлимларини замонвий тиббий жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратган. Шифо маскани тўла компьютерлаштирилди. Бу рес-

публикамиз ва чет эллардаги мавжуд ахборотларни йиғиш, улардан фойдаланишда қулайлик яратяпти. Булар ҳам тиббиёт соҳасидаги ислохотлар мевасидир. Институт олимлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва чет элларга тез-тез ижодий сафар қилиб туришибди. Кўпгина анжуманларда ўз маърузалари билан қатнашяптилар. Буюк Британия, Австрия ва Туркияга қилинган сафарларни алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда Харьков, Новосибирск, Новокузнецк илмий марказлари, Москва травматология ва ортопедия институти билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, соҳанинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ва форумлар ўтказилляпти. Утган йиллар мобайнида "Ўзэкспомарказ", "Ганновер" кўргазмаларида институтида яратилган мосламалар намойиш этилди. Шунингдек, ходимларнинг VI қурултойи ўтказилди.

Ишинг муваффақиятини истисеодли, ташаббускор кадрлар ҳал этади. Шифокорлик касби эса фидойиликни талаб этади. Шу босис травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида ёш мутахассисларни тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаш бўйича иختисослаштирилган илмий кенгаш очилди. Утган йиллар мобайнида 20 га яқин докторлик, 80 дан зиёд номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Н. РАФИКОВ,
«Ишонч» мухбири

ЖАРРОҲ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Вилоят онкологик диспансери Қарши шаҳрининг хушманзара гўшасида жойлашган. Атрофи мевали ва хушманзара дарахтлар, турфа гуллар билан ўралган. Диспансер жарроҳлик, хотин-қизлар, химия-терапия ва нур, болалар реанимация бўлимлари хоналарида 120 дан ортиқ бемор даволанмоқда. Шифохонада 24 нафар врач, 66 нафар ҳамшира беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Утган йили масканида 3674 киши дардига шифо топиб, уйларида соғ-саломат қайтидилар. Шундан 954 нафари жарроҳлик йўли билан даволанди. Беморларга дастлаб тажрибали мутахассислар замонвий тиббиёт асбоб-ускуналари ёрдамида амалдаги тадқиқотлар қўйдилар. Шундан сўнг муолажа белгиланади. Бундан ташқари, даволаш жараёнида беморлар ҳолати ҳисобга олиниб, энг самарали усуллар қўлланилади. Масалан, ўсма касалликларини даво-

лашда рентген нурлари орқали суюқлаштирилган азот ёрдамида жарроҳлик амалиёти олиб борилмоқда. Шифохонада узок йиллардан буюн самарали хизмат қилиб, эл хурматини қозониб келаятган қўли энгил шифокорлар Габиб Гайдар ўғли, Юсуф Умиров, Карим Холиқов, Тўхтатов Қаюмов, Бобоқул Салаев, Акмал Рузиқулов, ҳамширалар Бодом Ҳасанова, Муҳаббат Муҳаммадиева, Дилбар Номозоваларни том маънода ўз касбининг фидойилари дейиш мумкин. — Сихат-саломатлик



йили муносабати билан, дейди Қашқадарё вилояти онкология диспансери бош враччи, тиббиёт фанлари номзоди Тўрақул Холиқов. — Махсус дастур асосида иш олиб бормоқдамиз. Даволаш профилактика муассасаларида дори-дармон билан таъминланишни яхшилаш, уларга давлат томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Т. ХАЙРУЛЛАЕВ

Бугунги кунда ер юзиде тарқалётган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, хар йили сайёрамизда қарийб бир ярим миллиард одам шундай касалликларга қарши эмланади. Уларнинг аксарияти - болалар.

ҲОДИСА КАТТА

Педиатрияда иммунизация ва иммун регуляциянинг долзарб масалаларига бағишлаб пойтахтимизда ўтказилган республика илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз борди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Педиатрия илмий-текшириш институти ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда илмий-тадқиқот ва тиббиёт муассасалари, тиббиёт институти, дори-дармон ишлаб чиқарувчи компаниялар ходимлари, тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Муаммо ва ечим

АЁЛ ЧЕКУВЧИ БЎЛСА...

Ҳозирги кунда республикамизнинг шарҳ ва кишлоқларида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг бири пойтахтимиздаги Тошкент кино-видео касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Унда кашандалик нақадар зарарли одат эканлиги ҳақида алоҳида гап борди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тамаки таркибидеги зарарли моддалар юрак, қон-томир, саратон касалликларининг қўлайиши ва зўрайишига олиб келади. Инсон табияти қизиқ экан, тамаки ниҳоятда зиёнлигини била туриб, кашандаликни давом эттираверади. Ҳозирда ер юзиде бир миллиард нафардан кўпроқ киши чекишга рўжу қўйганлиги ҳам барчани ўйлантириб қолмоқда. Муаммо республикамизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Йиғилганлар айниқса, аёллар ва қизларнинг ўта зарарли иллатга берилаятиганини аниқли билан таъкидлашди. Бу каби камчиликларни тугатиш омилларидан бири ёш авлод онги-шуурига соғлом турмуш тарзига оид аъёнларимизни сингдиришидир. Тадбирнинг яна бир фойдали томони долзарб мавзудаги маърузалар бўлди.

Н. КОДИРОВА,
«Ишонч» мухбири

Таажжуб! ЎЗИ ДАРДМАНД ШИФОХОНА

Мустақиллик шарофати ила республикамизнинг энг чеқка қишлоқ жойларида ҳам ажойиб шифо масканларига асос солинди. Энди ноз-неъмат бунёдкорлари саломатликларини тиклаш, муолажалар олиш учун марказга қатнаб ўтиришмайди. Тажрибали шифокорлар қўлайиб бормоқда. Бахтга қарши оз бўлса-да, шундай шифохоналар борки, аҳолини кўриб ачинасан киши.

Опти ой мобайнида вилоятимиздаги «Тез ёрдам» шифохонасида уч маротаба даволандим. Бу ердаги хизмат сифати, врач ва ҳамшираларнинг беморларга эътибори-ю, муомаласи кўнгилдагидек. Аммо ачинарлиси шуки, ҳашаматли, ажойиб қуринишга эга бинода жойлашган шифохона қашшоқ аҳволда. Бугунги кўринишини тасвирлаб беришга ҳам уялсан киши. Биронта янги жиҳоз йўқ. Борлари эса алмисоқдан қолган. Стол, стул ва бошқа керакли жиҳозлар етишмаётганлиги туфайли оқ халатлилар қўйналиб фаолият юритишади. Кўрпачушак ва ёстик жиддларни эскириб кетганидан касаллар уйларида олиб келиб фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Аҳолини ўнглаш чоралари ҳақида шифохона мутасаддиларига учраганимизда улар: «Бизга етарли эътибор бўлмаяпти. Сабр қилишдан бошқа чора йўқ», дейишдан нарига ўтишолмади. Чамаси шифохона раҳбару мутахассисларида қатъиятлик, ташкилотчилик етишмаяпти.

Шифохонага кўнига кўллаб инсонлар келишади. Лекин бемор бу ердаги ночорлиқни кўриб анчайин ўйга толади. Шундай шароитда даволана оламани, деган хавфга боради. Хар ҳолда аҳоли ночор шифохонага эътибор беришларини кўтиб яшамоқда.

Саида БАҚОЕВА,
Ғижувон тумани, пенсионер

Буюк давлатни соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади

Марказда ногиронларга, ночор аёллар ва бола-ларга жароҳат оқибатларини, турмушдаги тушкун-ликни енгишга ёрдам берилади. Ҳатто ўқиш-ёзиш-ни ҳам ўргатади. Хукукшунослик дарслари ўтилади. Қисқаси, куйиш туфайли ҳаётдан умидини уз-ганларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтариш учун бар-ча чора-тадбирлар қўлланилади.

Жамоа ўз олдига катта ва-зифалар қўйган. Куйиш асо-ратларидан азият чекаётган-ларга, ногирон болалар ва ўсмирларга вақтинчалик бе-пул ёрдам кўрсатиш, кам таъ-минланганларга, айниқса, қишлоқ аҳолисига малакали тиббий маслаҳат, жазони ўта-ганларга вақтинча бошлана бериш ҳамда улар руҳиятини тиклаш, ёшлар ўртасида со-ғлом турмуш тарзини қарор топтириш, гийҳвандликка қар-ши кураш, репродуктив са-ломатлик масалалари шулар жумласидан. У фаолиятини 1999 йилда бошлади. Уша вақтда фақат олти нафар ки-шига жой бериш мумкин эди. Энди уринлар сони 32 тага етди. Ҳозир республикамиз-нинг турли жойларида мар-казнинг 10 дан зиёд жамоат-чилик химояси масканлари бор. Самарқанд, Термиз, Қар-шида махсус маслаҳатхоналар очилган. Утган йили Самар-қанддаги мутахассислар ишти-рокида куйиш асратларини тугатиш мақсадида марказда 50 та пластик (тери кўчириш) операцияси ўтказилди. Бир йилда марказга 5,5-6 минг нафар киши мурожаат қила-ди.

Ниятни яхши қилсанг, иш-лар ҳам шунга яраша кетаве-ради. Марказ жамоаси савоб-талаб қилшлардан иборат. Хукукшунос М. Қурбонова, шифоқорлар У. Ражабов, М. Жалолова, М. Каримова, Б. Амиркулов, С. Отакуловлар ҳар лаҳзада ёрдамга тайёр ту-ришади. Албатта, фақат ўз ку-чимиз билан иш қўламани кенгайтириш қийин. Бунда бошқа жамоат ташкилотлари - "Қамолот", "Нуроний" ноги-

ган Моҳира Алиқуллова Ургут ту-манда "Ўумид" маркази фао-лиятини йўлга қўйди. У Ургут ва Тайлоқ туманлари аҳолиси ўртасида иш олиб бормоқда. Марказ катъиятлилиги билан тоза ичимлик сувиغا муҳтож

қолдим. Самарқанддаги "Ўумид" марказидан лангоҳ топ-дим. Мен ишлашганим, бола-ларим ўқияпти. Яқинда уч хо-нали алоҳида уй беришди". Алхон тирик экан, жами-ятга наф келтириши, ўзи ҳам

"ЎМИД" РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ НОГИРОНЛАРГА ЖАРОҲАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИШДА МАДАДКОР БЎЛМОҚДА



ронлар уюшмаси, хотин-қизлар кенгашлари билан яқин ҳам-корликнинг самараси катта бўляпти. Биз бир марталиқ ёр-дам билан чеклиниб қолмай-миз. Жабрдийдалар тушкун-ликни енгиб, фаол ҳаётга қай-тиши асосий мақсаддир.

Харакатларимиз беҳуда эмас-лигини кўрсатадиган баъзи ми-соллар бор. Марказда даволан-

бўлган Бобур номли ширкат ҳўжалиғидеги масала ҳам чи-қадиган бўлди. Бу ишга "Здрав-плюс" халқаро ташкилоти бош қўшди. Марказ дафтарида бу ерда даволанган Мархабо ис-мили аёлнинг шундай сўзлари бор: "Бахтсиз ҳодиса туфайли куйиб қолдим. Эрим шундан кейин бирга яшашни хоҳлама-ди. Икки болам билан ночор

бахтли яшаши керак. Бунинг учун эса унинг руҳи тетик, ку-рашчан, ўзининг бошқаларга кераклигини ҳис қилиши зар-ур. Марказимиз худди шун-нинг учун ишлаяпти.

Б.ОРИПОВА,
Самарқанддаги "Ўумид"
минтақавий
реабилитация
маркази директори

Инсон учун саломатлик ҳамма нарсадан муҳим. Бунинг учун биз яшаётган муҳит санитария талабларига мос келиши керак. Бу борада доимий ишларни давом эттириб, Ургут туман давлат санитария-эпи-демиология маркази жамоаси "Сихат-саломатлик йили"да амалга оши-рилган махсус тадбирлар бўйича дастур ишлаб чиқди.

Белгиланган тадбирлар доира-сидаги вазифаларни бажариш учун тумандаги 35 та қишлоқ врач-лик пунктлари, 5 та амбулатория ва уларга тегишли худудларга марказ ходимлари бирктирилди. Йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган назорат текширувлари да аниқланган камчиликларни на-зорат этиш чоралари кўрилди. Ай-ниқса, касалликларга қарши бо-ларни эмлашга алоҳида эътибор берилди. Бундан ташқари, жой-ларда дезинфекция тадбирлари амалга оширилди. Ҳозирги вақт-да профилактик тадбирлар, ху-сусан, тарғибот ва ташвиқот иш-лари диққат-марказида бўлмоқда. Ижтимоий ҳавфи ҳисобланган ка-салликлар ва иллатлар - ОИТС, гийҳвандлик, тери-таносил касал-ликлари, чекишга қарши изчил ку-раш олиб борилмоқда. Бу борада қишлоқ тиббиёт ходимлари ва ма-ҳалла раислари билан ҳамкорлик яхши самара берапти. Бундай ба-

ЯХШИ ТУРМУШ атроф-муҳит тозалигидан бошланади

лога гирифтор бўлган шахслар би-шан алоҳида иш олиб борилаёт-ганлиги мақсадга эришишни таъ-минляпти.

Шунингдек, аҳоли ўртасида му-тасаддилар иштирокида суҳбат-лар, учрашувлар ўтказилляпти. Фу-қароларнинг тиббий билимлари оширилгани сайин иллатлар ка-маймоқда. Эндиликда Ургут туман ва шаҳар шифохоналарида, туман ДСЭМнинг Жортепа филиалида ОИТС марказининг "Ишонч" хо-на-лари фаолият бошлади. Бу мас-канлар дори-дармон, муолажа во-ситалари билан таъминланди. Аж-ратилган 22 миллион сўм маблағ ҳисобига шифохоналар, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари тиббий жиҳозларга эга бўлди.

Шароитнинг яхшиланиши касал-ликларнинг олдини олишда муҳим омилдир. Шунинг учун ичимлик суви тоза бўлишига, чиқиндилар-ни зарарсизлантиришга, Зараф-

шон дарёси суви тозалигига эри-шишга алоҳида эътибор бериляпти. Ургут шаҳридаги «Боғишамол» маҳалласи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қувур ётқизилди. Кей-инги қисқа вақтда 1117 та хо-надон ва ҳовлиларда зарарсизлан-тириш тадбирлари ўтказилди. Шу-лар натижасида ўткир юқумли, геп-патит, ичбуруғ, сил каби касаллик-лар анча камайди. "Сихат-саломат-лик йили" давлат Дастури доира-сида бу борадаги ишлар янада кенгайтирилади.

Ҳ.РЎЗИҚУЛОВ,
Ургут туман Давлат санитария
эпидемиология назорат
маркази бош ҳакими

ВИРУСГА ҚАРШИ ТАДБИР

**Сирдарё тумани
Давлат санитария
эпидемиология назо-рат маркази 100
мингдан ортиқ
аҳолиси бўлган Сир-дарё ва Бахт шаҳар-ларига, шунингдек,
16 та хўжаликка хиз-мат кўрсатади. Бу
ерда 102 нафар хо-дим самарали фао-лият юритмоқда.
Ўтган йиллар ичида
марказ моддий-тех-ника базасини мус-тахкамлаш, малакали
кадрларни жалб
этишда хайрли иш-лар қилинди. Жумла-дан, бинолар тўлиқ
таъмирланди, барча
тахлилхоналар ичим-лик суви билан таъ-минланиб, канализа-ция тармоғи янги-ланди. Ҳар бир хо-дим учун алоҳида
хона ташкил этилган-лиги иш самарадор-лигига ижобий таъ-сир ўтказди.**

Жорий йил январидан бошлаб тадбиркор-ларни қўллаб-қувват-лаш мақсадида гигиен-ник сертификат бериш ҳукуқи қўлга киритил-ди. Ишлар белгиланган режа асосида олиб бо-рилмоқда. Аҳоли ўрта-сидаги фаолият туфай-ли касаллик тарқатув-чи кўпгина вирусларга қирон келтирилди. Йилнинг иссиқ ойла-рида қишлоқ врачлик пункти ва поликлини-калар қошида ОРПлар ташкил этилиши яхши натижа берди. Текши-ришда баъзи бир ким-салар бактериологик текширувдан ўтказил-ди. Лозим бўлган тақ-дирда касалхоналар имкониятидан фойда-ланилди.

Ходимларимиз томо-нидан Ўзбекистон Рес-публикаси назорат қилувчи органлар фа-олиятини мувофиқлаш-тирувчи Кенгашнинг рухсати билан 86 та хўжалик юритувчи субъектларда санитар-ия назорати ўтказил-ди. Камчиликларга йўл қўйилаётган жойларда жавобгар шахсларга нисбатан жарима қўлланилди. Санитария кўнун ва талабларини бузган жойларда фао-лият тўғри йўлга соли-ниб, тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар бе-рилди.

Т. МАГОМЕТОВ,
Сирдарё тумани
Давлат санитария
эпидемиология
назорат маркази
бош ҳакими

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлаб-ки кунларданок аҳолини ижтимоий химоялаш, са-ломатлигини сақлашга катта эътибор берилди. Жо-рий йилнинг "Сихат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

- Косонсой туман раҳбарияти ўз олдига, энг аввало аёлларнинг яшаш шароитини яхшилашни мақсад қилиб қўйди, - дейди ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар кўми-таси раиси Тоҳирхон Мўйдинова. - Қўллаб аҳоли пун-ктларига табиий газ, ичимлик суви олиб бориш, янги маҳаллаларни асфалтлаш ҳаракатидамиз. Қишлоқ фу-қаролар йиғинида ўтказилган семинарларда хотин-қиз-ларга доир ҳамма масалаларни қамраб олишга инти-ляпмиз.

ЎН МИНГ ОИЛАГА "Тиббий маданият" китобчаси тақдим қилинди

Туманда истиқомат қилаётган 33 минг 210 нафар ту-ғиш ёшидаги аёллардан 32 минг 982 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Бемор, деб топилганлари шифо-хоналарда соғломлаштирилди.

Вилоят "Соғлом авлод" жамғармаси тиббий ижтимоий патронаж бригадаси томонидан эса 2640 нафар қишлоқ аёллари тиббий кўриқдан ўтказилиб, беморлари соғлом-лаштирилди. Бугунги даврни, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз-ни ёшларсиз тасаввур қилиш мушкул. Ҳамма соҳада улар-нинг иштироки, таъсири ва ўрни бор. Шу боис ФХД, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, никоҳ, қайнона-келин, ўғил ва ота-она муносабатлари ҳусусида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилляпти. Яқинда аёллар ва қизларда йод танқислиги, кам қонлиқни олдини олиш бўйича "Шифокор ҳузурда" тадбири бўлиб ўтди. Қизларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тушуналларини кенгайтириш мақсадида "Оқила қиз" кўрик-танлови ўтказиш режалаштирилди. Бундан ташқари, ту-мандаги "Энг ибратли қайнона ўғитлари", "Аёл - оила пой-девори" мавзусида учрашуу ва суҳбатлар ўтказилди.

Репродуктив саломатлиқни яхшилаш ва соғлом оила-ни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзи масалалари туман ҳокимлиги диқ-қат-марказида. Мавжуд қишлоқлардаги ҳар бир кўча-ларда маҳалла фуқаролар йиғинлари, маслаҳатчилар, фаоллар, тиббий ходимлардан иборат гуруҳлар тузи-либ, хонадонма-хонадон юриш ташкил этилди. Ҳар бир оила "Тиббий маданият" китобчалари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилиб, шу кунгача 10 минг оилага етказилиб берилди. Йил мобайнида 883 нафар келин-қувларни Никхоғача тиббий кўриқдан ўтказишга эри-шилди. 1066 нафар ёш оила қурувчилар ФХД бўли-мида суҳбатдан ўтказилди.


С. АЪЗАМОВА,
"Ишонч" муҳбири

ЎЗ ИШИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Биринчи Тошкент Дав-лат тиббиёт институти клиникаси неврология бўлими шифокор ва ҳам-ширалари Сихат-сало-матлик йилида аҳоли са-ломатлиги йўлида ўз ва-зифаларига янада масъ-улият билан ёндашиб, беморларнинг дардиға-малҳам бўлишдек ша-рафли бурчларини сид-қидилдан бажариб кел-моқдалар.

Суратларда: невро-логия бўлими ҳамши-раси Дилдора Тўрае-ва; ҳамшира Максуда Файзиева.

С. ҲУМОНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Диққат янгилик!

Башариятни кўз касалликлари муаммоси таш-вишга солаётгани сир эмас. Тиббиёт тарихида бир-ринчи марта бекиёс ихтиро қилиндики, натижада кўришнинг нормаллигига ёки уни сезиларли яхши-лашга кўзойнақлар ёки операция воситасида эмас, балки оқилона ва зўриқтирмайдиган машғулотлар ёрдамида эришиш мумкин. АҚШнинг "Лазер Вижн Инк" фирмаси мутлақо янги кўзойнақ ишлаб чиқ-ди. Линзасиз "Лазер Вижн" кўзойнақлари бир қарашда одатдаги нурқайтаргич қора кўзойнаққа ўхшайди. Лекин унда нурни тўғрилайдиган линза шиша ҳам, нурқайтаргич ҳам йўқ. Пластик юзада майда тешикчалар қатори мавжуд, холос. Мана шун-нинг ўзиёқ яқинни ва узокни кўра олмаслик, кўз гавҳарига тасвирнинг гаплашиши (астigmatizm) касалликларини даволашга имкон беради. Бу кўзой-нақ мунтазам равишда ҳар кун ярим соат тақи-либ, машқ қилинса, кўз касаллигининг тури ва ке-либ чиқиш сабабларидан қатъий назар, кўриш қобилиятини тиклаш мумкин.

КўРИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ТИКЛАШ МАШҚИ

"Лазер Вижн" кўзойнаги-нинг ташқи тузилиши ҳам, уни қўллашни усули ҳам жуда оддий. Турли катта-ки-чик, майда ўлчамлардаги назорат жадвали деворга олиб қўйилади. Бунақасини кўз шифокори қабулида кўргансиз. Ҳаттоки, бунинг учун газета саҳифасидан фойдаланиш ҳам мумкин. Ундан 2,5 метр масофада ўтириб олган, ёки тик ту-ринг. Кўзойнагингизни ечиб, қайси қатордаги хар-фларни аниқ кўришингизни белгилаб қўйинг. Сўнгра "Лазер Вижн" кўзойнагини тақиб қаранг. Энди кўриш қобилиятингиздаги ўзга-ришни қайд этинг. Бундай бул одатлар эканлиги-ни кўрсатади. Офтальмолог (кўз касалликлари бўйича) шифокор беморни текши-раётганда ўртасида майда тешиги бор доира орқали қаратади. Бунда нурнинг кўзга тушиш ҳолати ўзга-ртирилиб, кўришнинг аҳо-ли аниқланади. Россия тиб-биёт фанлари академияси муҳбир аъзоси, Россия аъ-навий тиббиёт ва профи-лактика илмий маркази ди-ректори Л. Хунджанов ай-тадики, "Лазер Вижн" кўзойнақлари физиканинг нур синиши, фокус чуқур-лиги, нур йўналишининг ўзгариши қонунларига асо-сланган. Майда тешиклар орқали қараш тасвирини ти-никлаштиради, аниқлашти-ради. Айрим халқлар қадим-даёқ бундан ош чоғда фой-даланишган. Америкалик офтальмологлар изланиш-ларни давом эттириб, кўзойнақ тузилишини ўзга-ртиришди. Пластик юзадаги тешикчалар сони кўпайти-рилди. Уларнинг шафли-диаметри, оралик масофа-

си ва ўзаро жойлашуви ма-тематик жиҳатдан аниқ ҳисоблаб чиқилди. Кўзой-нақ тузилиши оддий қурин-са-да, аслида мураккаб техно-логияга, табиатнинг ноёб неъматига бўлган кўз хусуси-ятига асосланган. Булар-нинг ҳаммаси кўзни машқ қилишга, мушакларнинг та-биий мейёрда ишлашига олиб келади.

Янаям соддароқ қилиб ай-тилса, кўзнинг кўришини бир жиҳатдан кўз мушаклари таъ-минляпти. Мушаклар ҳара-кати кўз гавҳарининг кўз шох пардасига нисбатан ҳолати-ни ўзгартириб, тасвир аниқ (ёки нозаник) қабул қили-нишни таъминляпти. Номақ-сунол кўз мушаклари фао-лиятини издан чиқаради, за-ифлаштиради. Линзали кўзойнақлар бундай нуқсон-ларни даволамайди. Уни келганда ўзига хос ўхшатиш қилайлик. Оёғи жароҳатлан-ган киши қўлтиқтаёқ тутишга мажбур. Жароҳат биттандан сўнг оёқни (оёқ мушаклари-ни) машқ қилдириб, аста-се-кин ҳассасиз юриб кетади. Ҳаро, кўз мушакларини ҳам тўғри машқ қилдириш орқали кўзойнақ тақмайдики бўлиб кетиш мумкин.

Ушбу "Лазер Вижн" кўзойнақлари клиник си-новдан ўтган. Уни ҳар кун ярим соатдан тақиб, кунга 3-4 марта ярим соатга-ча, камда 1,5 соат танаф-фус билан тақиб натижа-сида бир ойда кўриш қо-билиятини бир диоптрийга яхшилаш мумкин. Бутун даволаниш даври мобайни-да 3-4 диоптрийга линзага мослашган кўзни, 5 диоп-трийга таъсир гаплашуви нуқсонини мейёрга келти-рса бўлади.

К. ОЛЛОЁРОВ,
"Ишонч" муҳбири

Сифатсиз товар-маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, қонун доирасида хизмат кўрсатишни таъминлаш, бир сўз билан айтганда, истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларининг мус-таҳкам химоя қилиниши фуқароларга ҳам, жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Бу борада истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси томони-дан муайян ишлар олиб борилмоқда.

2004 йил ва амалдаги йил-нинг ўтган ойлари давомида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқла-рини химоя қилиш тўғрисида" - ги қонун талабларини бажари-риш, шунингдек, фуқаролар мурожаатларини ўрганиш мақ-садида ўнлаб мониторинглар ўтказилди. Жумладан, худудий бирлашмага фуқаролардан исте-ъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилётганлиги тўғрисидаги 480 та ёзма ва оғзаки шикоят келиб тушди. Уларни ўрганиш жараёнида бир қатор камчилик-лар, кўпол қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Бу тўғридаги маълумотлар зарур чора кўриш учун вилоят Мо-нополиядан чиқариш ва рақо-батни ривожлантириш, солиқ ҳамда Стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, Давлат санитария-эпидемиоло-гия маркази, прокуратура идо-

раларига юборилди. Худди шун-нингдек, Республика ИХҚ фе-дерацияси тошйирига кўра ностандарт, инсон соғлиғига зарар етказувчи ошхона ан-жомлари ва моллари ишлаб чиқарилаётганлиги устидан мониторинг ўтказилиб, аниқ-ланган далиллар тегишли идо-раларга тақдим этилди.

Маълумки, истеъмолдаги ош тузаларнинг белгиланган дара-жада йодлангани одамлар са-ломатлиги учун ниҳоятда му-ҳим аҳамиятга эга. Худудий бирлашма ходимлари томони-дан вилоятдаги 21 та туман ва шаҳарда жўйлашган 209 та дўкунда сотилаётган ош туза-ларининг йодланганлиги ўрга-ниб чиқилди. Минг афсуски, бу борада аҳоли қонқирлари эмас-лиги кўзга ташланди. Хусусан, 131 та дўкунда қонун ва бо-шқа меъёрий ҳужжат талаба-

Истеъмолчи манфаати муқаддас

рига риоя қилинмаган. Улар-нинг 120 тасида сотувчилар маҳсулотнинг мувофиқлик ва гигиеник сертификатларини кўрсата олишмаган. 14 дўкун-да сақланиш муддати ўтиб кет-

ворлигини таъминлашнинг асо-ний шартларидан бири ҳисоб-ланади. Шунга эътибор олган ҳолда аҳолининг истеъмол ма-даниятини юксалтириш, ҳуқуқий билим ва савиясини

га кўп ҳолларда қўрилгандан ҳам яхши самара бериши тур-ган гап. Бунга эришиш мақса-дида ўтган вақт давомида ви-лоятнинг 12 та туман ва шаҳ-рида "Истеъмолчилар ҳуқуқи - қонун химоясида" мавзусида ўқув-семинарлари ташкил этилди. Уларда таниқли мута-хассислар, вилоятнинг ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбар-лари иштирок этди. Республи-ка ва вилоят оммавий ахборот воситалари орқали қилинган чиқишлар ҳам кўпчиликда кат-та қизиқиш уйғотди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш тўғри-сида"ги қарори ижросини таъ-минлаш мақсадида вилоятнинг барча таълим муассасалари ўқув дастурига махсус дарслар киритилди. Бу дарс машғулот-ларини олиб бериш уқитув-чилар ўқув-семинарларда ма-лака оширишди. Адабиётлар, буклетлар тарқатилди. Умум-

ОШ У ЙОДЛАНГАНМИ?

ган, яъни сифатини йўқотган маҳсулотлар сотилган. Бир қатор дўконларда эса сотувга қўйилган ош тузалари ёриқла-рида етарлича маълумотлар ўз аксини топмаган. Яна шунинг-дек, тест-индикаторлар билан ош тузалари текшириб қўрил-ганида, 40 та ҳолатда уларнинг таркибида йод микдори меъ-ёрдан pastлиги, 34 ҳолатда умуман йўқлиги аниқланди.

Фуқаролар ўз хаҳ-хуқуқла-рини билиши ва талаб қила олиши жамиятда қонун усту-

Асака туманидаги академик лицейда ёш авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Таълим маскани аниқ, табиий ва ижтимоий фанларни ўқитишга йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларга чуқур билим берилмоқда. Айни дамда бу ерда 620 нафар ўқувчи тахсил оляпти. Уларга 61 нафар тажрибали педагог пухта сабоқ бермоқда. Дарс жараёнида кўргазмалар куллардан фойдаланиш яхши йўлга қўйилган.

Суратда: она тили ўқитувчиси Хосиятхон Алижонова. Икром ХАСАНОВ олган сурат.



Талабаларга гамхўрлик, уларнинг ўқишлари, касб-хунар эгаллашлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақиқатни Наманган Давлат университети мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин.

— Талабалар ҳеч қайси замонда, ҳеч қимга осон бўлмаган, - дейди университет ректори, профессор Турсунбой Файзуллаев. - Танланган соҳани эгаллаш, илм-фан сирларини чуқур ўрганиш учун туну-кун бетиним ўқиб-ўрганиш талаб этилади. Бунинг учун биринчи навбатда талабага етарли шарт-шароит яратиб бериш лозим.

Бинобарин, биринчи навбатда талабаларни соғломлаштириш, улар ўртасида тиббий профилактика ишларини йўлга қўйиш маъмури-

тетда етим, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандларини кўллаб-қувватлаш мақсадида тўрт йилдирки, аълочи, жамоат ишларида фаол кам таъминланган талабалар учун касабга уюшма стипендияси жорий этилган. Талаба ёшларнинг ақлий ва жисмоний камолот воситаси ҳисобланган спорт ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортчи талабалар спорт кийимлари ва уч маҳалдан тўйимли иссиқ овқат билан таъ-

ҚАНДАЙ ЯШАЯПСАН, ТАЛАБА?

ят ва касабга уюшмаларнинг бош вазирасига айланган. Шу мақсадда ўтган йилдан эътиборан «Ешик» санаторий-профилакторийси 15 миллион сўм маблағ сарфлаб таъмирланди ва фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 350 нафар талаба мазкур соғломлаштириш масканида довланиб, ўз соғлигини мустаҳкамлаб олди.

«Сихат-саломатлик йили»да сихаттоҳ ишини янада такомиллаштириш ва бошқа зарур тиббиёт асбоб-ускуналар билан бойитиш чоралари кўрилмоқда.

Талабаларнинг ўқиш-жараёнида у ёки бу сабаб билан қийналиб қолмасликларни, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари ҳам ҳал этилмоқда. Чунончи, «Меҳрибонлик уйи»дан ўқишга қабул қилинганларга талабалар ётоқхонасида бепул жой ажратилган. Шу билан бир қаторда уларга ҳар кун бепул иссиқ овқат берилади, маъмурият ва касабга уюшма кўмиталари томонидан моддий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, 254 нафар кам таъминланган ва кўп болали оила аъзоси сифатида рўйхатга олинган талабаларга ҳам мунтазам кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, универси-

минланмоқда. Уларга университет қошидаги санаторий-профилакторийдан бепул жой ажратилган. Касабга уюшмалари ташаббуси билан ҳар йили мини футбол, баскетбол ва енгил атлетика бўйича ҳам талабалар, ҳам ўқитувчи ходимлар ўртасида мусобақалар ўтказиш аънаёнага айланган. Амалга оширилётган бу тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Агар Ўзбекистон талабаларининг биринчи спорт уйинлари «Универсиада-2000»да Наманган вилояти терма жамоаси олий ўқув юртлири ўртасида биринчи ўринни эгаллаган, тўрт талаба Президент совғаси «Тико» автомобилга сазовор бўлган бўлса, 2002 йилда Бухорода, 2004 йилда Самарқандда бўлиб ўтган универсиада уйинларида университет талабалари фахрли учинчи ўринни забт этдилар ҳамда 2 та «Дамас» автомобили билан мукофотландилар.

Ҳа, келажак ёшларники. Бу борада университет маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси томонидан амалга оширилётган ишлар тахсинга лойиқдир.

Н.ОБИДОВ

Миллий хунармандчилик

Шаҳрисабз азал-азалдан хунармандлар шахри бўлган. Манбаларда эътироф этилганидек, ҳудудда маданият кенг ривожланган бўлиб, ҳатто IV - XV асрларда ҳам кулолчилик алоҳида эътибор берилган. Ҳудудда маданият кенг ривожланган бўлиб, ҳатто IV - XV асрларда ҳам кулолчилик алоҳида эътибор берилган. Ҳудудда маданият кенг ривожланган бўлиб, ҳатто IV - XV асрларда ҳам кулолчилик алоҳида эътибор берилган.

КУЛОЛЛАР СУЛОЛАСИ

Қадим-қадимдан ривожланиб келаётган кулолчилик хунарига ёшларнинг қизиқиши катта бўлаётти. Зайниддин Музаффаров Шаҳрисабзда 7-авлод шажараси давомчиси сифатида элга танилган. Унинг ота-боболари катта кулол бўлиб ном чиқарган. Рус-там бобо Эгамбердиев кулолчиликда мактаб яратган хунармандлардан бўлган. Кейинчалик Карим кулол, Музаффар кулол, Ахат

дин елиб-югуриб раҳматли ота-боболарнинг кулолчилик уй-музейи ва устaxonасини ЮНЕСКО ва туман хунармандчилиги уюшмасининг ёрдами билан ташкил этди.

Чет элдан келатган сайёҳлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, кулолчилик буюмларидан эсдалик совға учун олиб кетишади. Бизнинг кулолчилик санъатимиз, - дейди Зайниддин кулол, - ўзининг сифати билан ажралиб туради. Чунки қизил, оқ рангдаги идиш-товоклар кўроғи, қизил кесаклар билан сирланиб оҳор берилади. Ҳозирги вақтда кулолчилик билан фарзандларини Феруза ва Рустам ҳамда оиламиз шуғулланади. Раҳматли отам тайёрлаган кулолчилик буюмлар Европа мамлакатларининг энг йирик музейларида сақланмоқда. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан 7 турфа маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз.

Х.ТўРАЕВ

Ишонч

Кўчада чол билан кампир суҳбатлашиб ўтиришди. Чол кампирга дейди: - Кумри Бобоевани худди хозиргидек эслайман! Мен уни худаям севардим!! Ким билди дейсан, хозир у қаерларда юрганкин? - Қариб миянг суюлиб қолибди. Ахир бу мен, олдинда турибман-ку...

Кичкина кизалоқ ўзининг кечки ибодатини шундай сўзлар билан якунламоқда: - Ва яна бир илтимосим, азизим Художон. Дадам ўқийдиган журналдаги бечора қизларга озгина кийим-кечак жўнатгин.

Рашки хотин - эрига. - Ҳа, мен ўзидан ширин хидлар таратувчи севги мактабларини топмадим, ёнганда ҳам бегона бўёк иканини йўқ. Энди менга айтгин-чи, нимага машинанинг ўнг томондаги олд ўтиргичнинг хавфсизлик тасмаси меннинг қоматига нисбатан икки баравар кичик бичимга тўғрилганки?

А.АЛИЕВ

1 АПРЕЛ-КУЛГИ КУНИ

Биринчи апрел баҳонасида бегараз кулги, қаж-қаҳалар бўлиши одатга айланган. Дарвоқе, бундай аjoyиб кунни нишонлаш қачон ва қаерда бошланган экан?

Апрел ҳазилининг келиб чиқиши ҳақида бир неча хил тахминлар бор. Айримлар, бу апрел ойда нишонланганидан қадимий баҳор байрамидан қолган одат дейишса, бошқаларнинг фикрича, 1 апрелда кимгадир бирор-бир юмуш буюриб, уни қулгили аҳволда қолдириш, «Исо пайгамбар эҳтироси» деб аталган ўрта аср диний удумининг бир кўриниши эмиш.

Яна бир гуруҳдагилар эса «алдоқчилар кунини» Европа мамлакатларида Хиндистон, Хитой ва Япониядан келган деб тахмин қилишади. 1564 йили Францияда Карл IX апрел ойда нишонланганидан янги йил байрамини 1

январга кўчирган. Бироқ ўзгариш қўлчиликка маъкул бўлмаган ва қайтадан янги йил эскичасига нишонланаверган. Биринчи апрел ҳазиллари апрел ойининг ўзгарувчан ҳавосига монанд ҳолда келиб чиққан бўлиши эҳтимол. Немисларда «апрел - айёб», италянларда «апрел - гоҳ кўз ёш тўкади, гоҳ хандон отади», французларда «ёмон тарашидан бўлса, апрелга сакла, асқотадди» деган гаплар бор.

А.АЛИЕВ

Қарши шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабида кўпкураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари очик чемпионати якунланди. КУБОК КУЧЛИЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Унда барча ҳарбий округлар, ҳарбий ўқув юртлири, шунингдек, ҳарбий-ҳаво кучлари ва махсус қўшинлар вакилларидан иборат 12 жамоа иштирок этди.

Ҳарбий спортчилар турниқда тортилиш, юз метрга, уч километрга югуриш ва тўсиқлар оша сакраш бўйича беллашди. Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ спортчилари умумжамоа ҳисобида голиб бўлди.

Шахсий биринчилик бўйича ҳам Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари вакилларининг қўли баланд келди. Кичик сержантлар - Акром Шинаев, Қахрамон Тоғаев ва Юрий Иванов барча рақиблирини ортда қолдирди.

“БОЙСУН БАҲОРИ” ТАРАДДУДИ

Республикамизнинг Сурхондарё вилояти бойсун шаҳрида халқаро фольклор фестивали ўтказиш яхши аънаёнага айлиб қолди. Шу йилнинг май ойида «Бойсун баҳори» деб ном олган бу йирик маданий тадбирнинг навбатдаги тўртинчи шодийнаси уюштирилди.

Шу муносабат билан Тошкентда «Бойсун баҳори» фестивали ташкилий қўмитасининг йиғилиши ўтказилди. Қатор мутасадди ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этган бу тадбирда байрам дастури ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра байрам доирасида қатор тадбирлар амалга оширилади. «Кўпқари» от уйинлари, турли ярмаркалар ўтказилади.

Байрамда ансамбллар, бахшилар, полвонлар ва ошпазлар танловлари голиблари ҳам аниқланади.

Футбол

моа - Япония ва Баҳрайн футболчиларининг уйини кўриб, муайян хулосага келдилар. Яъни, бугун терма жамоамиз тушиб қолган вазиятдан чиққан ҳолда, хоҳлаймизми-йўқми, мабодо учинчи ўрин билан қифояланишга тўғри келса, қайси жамоа ллей-офф мусобақасида рақибимиз бўлади, деган саволга жавоб олиб қўйиш ҳам фойдалан холи эмас. Эҳтимолки, бу Баҳрайн бўлади. Ҳар ҳолда турнир жадалида юзага келган ҳолат шунга ишора қилмоқда. Борди-ю, шундай бўлса, 2004 йилда Осиё кубогига бахсларидан юз берган манзара қайта такрорланмаслиги учун хозирдан баъзи жиҳатларни инобатга олиб қўйиш керак.

Иккинчи давра ўзбекистонликлар учун 3 июнда бошланади. Шу кунги терма жамоамиз Жанубий Кореяни қабул қилади. Ордан беш кун ўтиб сафарда Саудия Арабистонини термаси ўйлимига қўйган тўсиқни ошиб ўтишга тўғри келади. 17 августда Кувайт билан бўладиган ўйин шунчаки расмиётчилик учунми ёки ҳаёт-мамот жангига айланадими, бу юқоридаги бахслар натижасига боғлиқ. Бошқача айтганда, уч йилдан урта галабагина мухлисларни қийнаётган саволларга тўғри ва қутлган жавоб бўлиши мумкин.

З.РИХСИЕВ

Барчани ўйлантирган натижа

моамизга, афсуски, галаба нашидасини суриш насиб этмади. Демакки, нега, нима учун, ҳужумчи янада кучайтирилди ва мақсадга эришилди. Аввалига химоячимиз Фёдоровга тегиб, йўналишини ўзгартирган тўп Нестерев дарвозасидан жой олган бўлса, кўп ўтмай қиритилган иккинчи гол шу кун майдонда кимнинг қимлигини тасдиқдан ўтказиб қўйди.

Барчани ўйлантирган натижа

«А» гуруҳининг биринчи давраси Кувайт ва Саудия Арабистонини жамоалари ўртасидаги учрашув билан ниҳонсига етди. Маълумки, аввалги турда ҳар икки жамоа галабага эришган эди. Аммо учинчи турда голибни аниқлашнинг илоҳи бўлмади. Дарвозалар дахлсиз қолди.

Футбол мухлислари кунини курашаётган икки жа-

	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. Ж.Корея	3	2	0	1	4	3	6
2. С.Арабистон	3	1	2	0	3	1	5
3. Кувайт	3	1	1	1	2	3	4
4. Ўзбекистон	3	0	1	2	3	5	1

	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. Эрон	3	2	1	0	4	1	7
2. Япония	3	2	0	1	4	3	6
3. Баҳрайн	3	1	1	1	2	2	4
4. Ш.Корея	3	0	0	3	2	6	0

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маммура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Телефонлар:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.
«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.